

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

312 Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоидага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 841-1

(2010 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Архив иши тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 21 августда тасдиқланган 147-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида»га (рўйхат рақами 841, 1999 йил 25 ноябрь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 14 август,
27/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2010 йил 14 августдаги 27/1-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоидага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддимада «Архивлар тўғрисида»ги деган сўзлар «Архив иши тўғрисида»ги деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4.35-банд қўйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«Архив ҳужжатларини кириб кўриш фойдаланувчига илмий-маълумот-
нома аппаратини, шунингдек тегишли архив ҳужжатларини ёки уларнинг
кўчирма нусхаларини тақдим этиш орқали таъминланади.»

3. 6.2-бандда «Ўзбошархив» деган сўз ««Ўзархив» агентлиги» деган сўзлар
билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлиги Бош директори*

А. АБДУЛЛАЕВ

2010 йил 28 август